

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази*

***МАВЗУ: ТАЪЛИМДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ***

Тошкент- 2013 йил

1. Тадқиқотчилик технологиясининг мақсад ва вазифалари.

«Тадақиқотчилик таълими» - ўқитишга ўзига хос ёндашув ҳисобланиб, боланинг атроф борлиқни мустақил ўрганишга, табиий интилишига асосланади.

Унинг асосий мақсади — ўқувчида кишилиқ маданиятининг ҳар қандай соҳасида бўлмасин, фаолиятнинг янги услубларини ижодий ва мустақил ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга тайёрлик лаёқатларини шакллантиради.

Тадақиқот инсоннинг билишга қаратилган фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, янги билимларни ўзлаштириш жараёнини англатади.

Ҳозирги замон педагоглариининг муҳим мақсадларидан бири маънавий бой, жисмонан соғлом, эркин, ижодий фикрловчи шахсни, ўз-ўзини ривожлантириш ва англашга қодир инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Замонавий педагогика-турли методлардан фойдаланади, уларнинг орасида энг махсусдори, шубҳасиз, **тадақиқот методидир.**

- Илмий тадақиқот ишлари – бу таълим олувчиларнинг аксарият ўқув жараёни доирасидан ташқарига чиқиб кетадиган, кенг қамровли долзарб масалани тизимли ўрганиш жараёнида амалга оширадиган мустақил аналитик фаолияти ҳисобланади. Бундай ишлар умумилмий пойдевор ва тадақиқотчилик малакаларини шакллантиришга асос вазифасини ўтайди.

Тадақиқот методининг асосий мақсади:

Ўқувчиларда бирор ўқув вазифасига илмий нуқтаи назардан ёндашувни шакллантиришдан иборатдир.

2. Таълим жараёнида ўқувчиларни тадақиқотчилик фаолиятига жалб этиш уларда ижодий тафаккурни ўстириш омили сифатида.

Ўқувчиларни тадақиқотчилик фаолиятига ўргатишдан мақсад:

- ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллашларига эришиш;
- уларнинг ноанъанавий тафаккур турларидан бирини ўзлаштиришларига ёрдам бериш;
- уларни меъёрий хужжатлар, ўқув адабиётлари, монографик асарлар, амалий материаллар, статистик маълумотлар, интернет, ахборот тизимидан фойдаланишга ўргатиш;
- асосий компьютер дастурлари билан ишлаш лаёқатларини таркиб топтириш;

- йиғилишларда чиқиш қилиш, ўз фикрини билдириш, тингловчиларга ўз фикрини етказа билиш ва уқтира олишга ўргатиш, фикрларини асослаш, аудиторияни ўз фикрлари билан ўртоқлашишга жалб қилиш.

Ўқитувчи ўқувчилари билан тадқиқотчилик фаолиятига кириш учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- ўқитувчи ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билиши керак, махсус илмий, методик адабиётларни доимий равишда ўқиб бориши зарур;
- фан янгиликларидан бохабар бўлиши, уларга қизиқиши ва ўз машғулотларида шундай маълумотлардан фойдаланиши керак;
- ишга оқилона ёндашуви, илмий-педагогик вазифаларни ҳал этишга янгича ёндашиши зарур;
- ўқувчиларни у ёки бу масалани ўрганишга янгича ёндашиш йўллари билан таништириш лозим.

Шунингдек, ўқитувчи қатор кўникмаларга эга бўлиши керак:

- тадқиқот мавзусини танлаши, асослаши лозим (мавзу ўқувчилар, ҳудуд ва хаттоки бутун мамлакат учун аҳамиятли бўлиши мумкин);
- тадқиқот ўтказиш учун манбалар йиғиш(танлаш): адабиётлар, статистик маълумотлар, анкеталар (зарур бўлса уларни мустақил тузиш), интернет-ресурслар ва бошқалар;
- ўқувчиларни турли маълумот ва ахборотлар орасидан тадқиқот учун керакли материални ажратиб олишга ўргатиш;
- инноватикани қўллаш – ўқувчиларнинг камроқ куч ва воситаларни сарфлаб натижага эришишлари учун янги технология, метод, усулларни излашга қизиқтириш;
- тадқиқот босқичларини аниқлаш, уларнинг ҳар бирини ўз вақтида баҳолаб бориш, ўқувчилар фаолиятини коррекциялаш;
- илмий ишларининг натижали бўлишини прогноз қилиш, уларнинг амалиётда қўлланилиш имкониятини белгилаш;
- тадқиқотнинг етакчи ғояларини ажратиш, таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш;
- олинган натижаларни умумлаштириш, тавсифлаш, олинган натижаларни бадий жиҳозлаш;
- тадқиқот иши якунида хулоса ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотчилик фаолияти натижасида ўқувчиларда қуйидаги қатор билим, кўникма ва малакалар шаклланади:

- баҳс-мунозараларда иштирок этиш,
- ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва ҳимоя қилиш,

- турли манбалардан материал йиғиш,
- фаоллик,
- муаммо юзасидан саволлар бериш ва жавоб қайтариш,
- ўрганилаётган материалга нисбатан ўз фикрини билдириш,
- ахборот ва маълумотлар йиғишда мустақил бўлиш.

3. Тадқиқот методи ва тадқиқотчилик технологиясининг қиёсий тавсифи

Тадқиқотчилик методи –

Ушбу метод муаммоли таълимда марказий ўринни эгаллайди. Бу метод ўқитиш жараёнини ўқувчилар имкониятига мос тарзда содда ва тушунарли шаклда, айтилиш вақтида, илмий тадқиқот жараёнига ўхшаш тарзда амалга оширилиши, тадқиқот жараёнининг асосий босқичлари – ўрганилаётган мавзудан тадқиқот жараёнига асос бўла оладиган тушунарли жихатларни очиқ кўрсатиш, муаммони аниқлаш ва шакллантириш, фаразлар илгари суриш, тадқиқот режасини тузиш ва амалга ошириш, номаълум фактларни ўрганиш ва амалга ошириш, илгари сурилган фаразлар текшириш, натижаларни шакллантириш, олинган билимларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш имкониятларини баҳолашни қўллаш демакдир.

Тадқиқот методининг асосий хусусияти –

Бир муаммони ҳал қилиш жараёнида янгиларига тўқнаш келинади ва уларни ҳам ҳал қилиш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин таълим жараёнида амалга ошириладиган тадқиқот ҳақиқий илмий тадқиқотдан бир қанча муҳим жихатлари билан фарқ қилади.

- **Биринчидан**, муаммоли таълим жараёнида тадқиқ этиладиган ўқув муаммолари ва ўқувчилар аниқлайдиган илмий ҳақиқат фан оламида янгилик ҳисобланмайди. Ўқувчилар эса уни ўз тажрибаларида илк бор тадқиқ этадилар ва ўзларини илмий ҳақиқатни аниқлаётган кашфиётчи деб биладилар.
- **Иккинчидан**, ушбу жараёнда ўқувчининг тадқиқотга нисбатан рағбати олимникидан бутунлай фарқ қилади.
Ўқув тадқиқоти ўқитувчи бошчилигида, шахсан унинг иштироки ва раҳбарлигида ўтади. Лекин ушбу ёрдам шу тариқа амалга оширилиши лозимки, ўқувчилар тадқиқот мақсадига ўзларини мустақил равишда эришдим деб билишлари лозим.
- **Учинчидан**, бошқа ҳар қандай метод каби тадқиқот методи ҳам универсал метод эмас, бошланғич ва ўрта синфларда таълим жараёнига унинг айрим элементларинигина татбиқ этиш мумкин. Бу ўқувчиларни юқори синфда

тадқиқот методини бирмунча мураккаб ва янада такомиллашган ҳолатини қўллай олишга имкон беради.

Кашф этиш қувончини ҳис этган ўқувчи кейинги янги вазифаларни ҳал этишдан чўчимайди. Улар изланиш қийинчиликларидан кейин кашф этиш қувончига эришишларини биладилар. Тадқиқот методининг ўқувчини тарбиялаш ва комиллаштиришдаги аҳамияти ҳам айнан шундадир.

Тадқиқот методи –

Бу метод- ўқитувчи томонидан ижодий, мустақил ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий топшириқларнинг қўйилиши демакдир. У ўқувчиларни изланиш ва мустақил ижодий фаолиятга йўллайди.

Ҳозирги кунга келиб, ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Бунда таълимнинг ижодий методлари, хусусан, тадқиқотчилик технологиялари етакчи роль ўйнамоқда.

Тадқиқот – бу «жамият учун аҳамиятли маълумотларни олишга қаратилган илмий фаолият натижалари ва жараёни» [Психолого-педагогический словарь для учителей и, С. 191].

Инновацион педагогик восита ва методлар орасида тадқиқотчилик фаолияти етакчи ўрин тутмоқда. Шу мақсадда ўқув ва дарсдан ташқари машғулотларда тадқиқот ишларини ўтказиш ўринлидир. Унинг вазифаси индивидуал хусусият ва лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчида интеллектни ривожлантиришга, мустақил ижодий фаолиятини таркиб топтиришга қаратилади. Тадқиқот ишларида иштирок этиш ўқувчига ўз шахсини кадрлаш, илмий ва ижодий ишлаш методлари билан танишишга, билимларга қизиқишини оширишга, ҳамфикрлари ва тенгдошлари билан мулоқот қилишга, илмий эксперимент ва тадқиқотларда қатнашиш имконини беради.

Тадқиқотчилик ёндашуви таълим жараёнига нисбатан қадим замонлардан, инсониятда билим олишга эҳтиёж туғилган даврларданоқ мавжуд бўлган. Тадқиқотчилик методини илк бор ўқитиш ва ўргатиш амалиётига нисбатан қўллаган педагоглардан бири Сукрот эди.

Машҳур немис олими Фридрих Адольф Дистервег унинг методини «сукрот суҳбатлари» деб атаб, уни ўқитувчилик санъатининг гултожи деб билган эди. Унинг қанотли тавсифларидан бири саналган «ёмон ўқитувчи ҳақиқатни тақдим этади, яхши ўқитувчи эса уни излаб топади (излаб топишга ўргатади)» дея уқтирган эди.

Мактабда ўқувчилар амалга оширадиган тадқиқотчилик ишларининг асосий йўналишлари:

- Мавжуд илмий қизиқишларига мос равишда барча ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб қилиш.

- Ўқувчиларни илмий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, илмий тадқиқот маданиятини таркиб топтириш.
- Ўқувчиларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилишга илмий кучларни жалб этиш.
- Ўқувчиларнинг илмий ишларига тақризлар олиш, уларнинг конференцияларда қатнашишини таъминлаш.
- ИПК (илмий педагогик конференциялар) ҳамда олимпиадаларни тайёрлаш, ташкил қилиш, ўтказиш.

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишда ўқитувчининг олдида қуйидаги вазифалар туради:

- ўқувчининг тадқиқотчиликка нисбатан эҳтиёжини фаоллаштириш;
- изланиш фаолиятига жалб этиш;
- билиш жараёнини фаоллаштирувчи воситаларни излаш;
- ўқувчига ўз тадқиқотчилик фаолиятининг натижали эканлигини англатиш;
- билиш фаоллигини рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратиш.

Ўқувчи муайян ютуқларга эриша бошлаши билан тадқиқотга қизиқа бошлайди. Бу албатта ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Хорижий тажрибаларларда педагогика фанида ўқувчиларнинг маҳсулдор фаолиятини изланиш ва тадқиқотчилик технологияларига ажартишади. Аслида уларнинг иккови ҳам бир мақсадга қаратилади.

Тадқиқотчилик таълимининг анъанавий таълимдан принципиал фарқи таълим олувчининг анъанавий фаолиятида ўқувчининг ўқув жараёнидаги позициясининг ўзгариши, ташаббускорлигининг ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўқитишнинг тадқиқотчилик характери билан ўқувчининг ўқув тажрибасини уйғунлаштириш ўқитувчи учун энг қийин ва мураккаб вазифа бўлиб туюлишини барчамиз яхши биламиз.

Ўқувчининг билим ва тажрибаси ўқитувчига ўта чегараланган, ўқув тадқиқотларини амалга оширишга мутлақо етарли эмас деб биладилар. Лекин ўқувчиларнинг шахсий ўқув тажрибаларига асосланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотчилик таълими соҳасига оид ишланмаларнинг характерли жиҳатларидан бири – ўқувчилар ҳаётий қизиқиши ва эҳтиёжларини уйғунликда ўрганишдан иборат.

Изланиш йўналишига асосланган таълимнинг моҳиятан ўқувчилар рефлексияга уч хил йўналишда :

Тафаккур жараёнида мулоҳаза юритиш ва таҳлил, ўқувчи шахсини такомиллаштирувчи ҳиссиётларнинг ўсишига таяниши муҳим аҳамиятга эга.

Рефлексия асосан микрогуруҳларда ўтказиладиган дарс таҳлили орқали амалга оширилади. Тадқиқотчилик ва изланиш таълими нафақат билимларни ўзлаштиришга, балки умумўқув компетентлиликни билимларни излаш, тафаккур ҳаракатлари ва оперциялари–анализ, синтез, умумлаштириш;

фаолият йўналишини танлаш ва қарор қабул қилиш; баҳслашиш маданиятини таркиб топтириш, муҳокама юритиш процедураларини амалга ошириш;

ўқитишда эмоционал ва интеллектуал рефлексия кабиларни ўргатишга қаратилади.

Мазкур ёндашув икки хил вариантда уйғунлашади: амалий билишга қаратилган амалий маълумотларни ўрганиш ёндашуви (фаолият усуллари ҳақидаги янги инструментал билимлар), назарий билишга қаратилган изланиш, бунда ўқув жараёни янги назарий билим ва ориентацияларни ўргатишга йўналтирилади.

Таълим амалиётида ушбу ёндашув шунга мос алгоритм ва моделларни тадқиқотчилик таълимига татбиқ этишга, муаммога йўналтирилган лойиҳалар методи, ТРИЗ ва бошқа технологияларни амалга оширишга қаратилади.

Изланиш ва тадқиқотли таълим технологиялари инсоннинг тафаккур юритиш хусусиятларига таянади. Бунда билим олиш инсонга фикр юритиш, эслаб қолиш ва улардан амалий фойдаланишни енгиллаштиришга қаратилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга ўзида билимлар тизимини таркиб топтиришига кўмаклашиши зарур.

Илк босқичда педагогнинг ўзи махсус тушунчаларни базавий тушунчалар билан боғлашга ёрдам беради, бу билан ўқувчиларга мазкур жараёни мустақил амалга оширишга кўмаклашади. Ҳатто ўқувчилар уни мустақил амалга ошира бошласалар ўқитувчи вақти-вақти билан ўрганилаётган материални таянч тушунчалар билан боғлашга қаратилган ишларни амалга ошириш, махсус саволлар бериши, бунда ўрганилаётган материални таянч тушунчаларга боғлашга аҳамият бериши лозим.

Айниқса, асосий тушунчаларни ўзлаштиришнинг спиралли кўриншини қўллаш лозим. Ўқувчилар таълимнинг турли босқичларида ўқув материалларини, шунингдек, таянч тушунчаларни янада мураккаб даражада ўзлаштиришга эришадилар. Албатта, таълим жараёнида ўқувчиларга тайёр билимлар тақдим этилибгина қолмай, билиш фаолиятининг асосий услубларини ўргатишга эътибор берадилар.

Билиш фаолиятининг асосий услублари умумўқув компетентлиликни таркиб топтиришда ўз аксини топади. Мазкур принцип татбиқи ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақилликни таъминлашга қаратилади ва уларни умрларининг охиригача ўқиб ўрганишга йўналтиради. Бунда ўқувчиларни тадқиқотчи ва кашфиётчи позициясига қўйиш зарур. Мазкур принцип татбиқининг муҳимлиги ҳақида юқорида кўп бор айтилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Бу жараёнда билимларни мустақил излаш алгоритми қандай бўлади ва унга мувофиқ тарзда тадқиқотчилик фаолияти асосида дарс қандай қилиб тузилади?

Изланиш ва тадқиқотчилик таълимига ўқув жараёни умумий босқичларининг изчиллиги ҳосилдир:

- муаммонинг қўйилиши, уни шакллантиришга турли нуқтаи назардан ёндашиш;
- муаммони яхшироқ тушуниш, уни аниқлаштириш, уни ечиш ва ҳал этиш йўллари излаш;
- янги билимлар ва маълумотлар, амалий мисоллар, аниқланган муаммони ҳал қилиш учун ғояларни илгари суриш, маълумотларни баҳолаш, уларни юқори даражада излаш;
- муаммони ҳал қилишга киришиш, топилган маълумотлардан энг кераклиларини ажратиш, эгалланган билимлар ва илгари сурилган ғояларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; уйғунлаштириш учун уларнинг энг яхшиларини танлаб олиш;
- ажратилган маълумотларни умумлаштириш, муаммони ҳал этиш усуллари шакллантириш, атрофдагиларнинг топилган натижани эътироф этишлари учун йўл излаш.

Келтирилган ўқув фаолияти босқичлари тадқиқотчилик технологиясининг анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилишини кўрсатмоқда.

Зеро, бунда, биринчидан, ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда узатилмайди, балки муаммо тарзида қўйилади, ўқувчилар қўйилган муаммони ўзлари мустақил ечадилар. Билимлар ўқитишнинг мақсади бўлмай, муаммони ечиш воситасига айланади. Ўқувчилар янги билимларни ўзлаштиришнинг ўзлари учун қанчалик зарур эканини ҳис қиладилар (усиз қўйилган муаммони еча олмайдилар), бу эса уларда мотивациянинг сезиларли даражада ўсишига олиб келади. Уларнинг ўқув фаоллиги кучаяди. Аввало, мустақил ишлаш даражалари ортади. Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, муаммони аниқлаб оладилар, уни ҳал қилиш учун қандай манба ва билимлар кераклигини белгилайдилар, мазкур манбалар билан ишлайдилар, муаммони ҳал этишнинг олинган вариантини умумлаштирадилар. Бунда ўқитувчи шунчаки жимгина кузатиб турувчи бўлмай, зарур пайтда кичик гуруҳларга керакли маслаҳат ва ёрдамни бериб туради.

Тадқиқотчилик технологиясида ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммо кўяр экан, ўқувчиларни имкониятларига кўра топшириқлар тури ва даражасини белгилаб олади ҳамда алоҳида ўқувчининг лаёқат ва имкониятларини баҳолайди. Таксономияга бирлашувчи ўқув мақсади ёки топшириқларининг бир қанча даражаларини ажратади (таксономия –

иерархик кетма-кетлик). Илк таксономиялардан бири XX асрнинг 50-йилларида таниқли америкалик олим Б. Блум томонидан ишлаб чиқилган эди. Албатта, агар ўқувчи фақат биринчи даражадаги мақсадга эриша олса, унинг билими ва умумўқув кўникмалари унчалик юқори даражада бўлмайди. Ўқувчининг барча нисбатан юқори даражага эришиши унинг ўқиш ва умумий ривожланишда нисбатан юқори даражада эканини кўрсатади.

Ўқув мақсадлари таксономияси (Б. Блум бўйича):

Билим – ўрганилган материалнинг алоҳида фактлардан назария даражасига кўтарилиши, ёдда сақланиши. Бу босқичда ўқувчи ёдлаш, ёдда сақлаш, ва такрорлаш ишларини бажаради.

Тушуниш – ўқув материални бир шаклдан бошқасига кўчириш ва тушунтириш (масалан, сўз билан ифодаланган материални математик белгилар ёки графиклар орқали ифодалаш), воқеа ёки ҳодисаларнинг кейинги ҳолати ҳақида мулоҳаза юритиш, оқибат ва натижаларини кўра билиш.

Қабул қилиш – аниқ шарт-шароитлар ёки вазиятлар учун ўрганилган материалдан фойдаланиш лаёқатига эга бўлиш. Янги назарий ва амалий вазиятларда қоида, метод, тушунча, қонун, принцип, назариялар ишлаб чиқиш.

Таҳлил – материални шундай таркибий бўлакларга бўлишки, бунда унинг структураси аниқ кўриниб турсин. Бутунни бўлакларга ажратиш, улар ўртасидаги алоқадорликни очиб бериш. Бунда нафақат материалнинг мазмуни, балки унинг ички қурилиши ҳам англаб олинган бўлиши керак.

Синтез – бутунга эришиш учун унинг элементдарини уйғунлаштириш. Масалан, фаолият режасини тузиш, умумлашмалар асосида схемалар ишлаб чиқиш.

Баҳолаш – аниқ мақсадга кўра, у ёки бу (илмий маълумотлар, адабий материал) ажратиб олиш, материалнинг қурилиш мантиқини баҳолаш, Фикр-мулоҳазалар аниқ критерийларга таяниши керак – ички (структурали, мантикий) ёки ташқи (белгиланган мақсаднинг мувофиқ келиши).

Демак, тадқиқотчилик таълимида ўқитувчи фаолиятига қуйидаги аниқ талаблар қўйилади:

-ўқувчиларда ўзларидаги мавжуд ғоя ва фикрларни тўғри ифодалаш ва аниқ қилиб айта олишга хоҳиш уйғотиш;

-ўқувчиларни уларга маълум бўлган тасаввурларга қарама-қарши ҳодисалар билан тўқнашишлари учун имкон яратиш;

-ўқувчиларда муқобил тушунча, мулоҳаза ва тахминларни айтиш эҳтиёжини вужудга келтириш;

-ўқувчиларга тажриба ишларини ўтказиб ёки кичик гуруҳларда баҳс-мунозара ўтказиб, ўз илмий фаразларини текшириб кўриш ва таҳлил қилишга имкон яратиш;

-ҳодисаларнинг кенг қамровли доираси ва вазиятларини янгидан тасаввур этиш, уларнинг амалий аҳамиятини англаш ҳамда баҳолаш учун ўқувчиларга имконият яратиш.

Тадқиқотчилик технологиялари асосида дарс жараёнини қадам-бақадам ишлаб чиқиш орқали дарс жараёнининг аниқ алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, қуйида келтирилган дарснинг уч модели топшириқ ва вазифаларнинг турли даражадаги мураккаблигига асосланади.

Уларнинг **биринчиси** билим ва тушунчаларнинг даражасига, **иккинчиси** уни татбиқ қилинишини, **учинчиси** эса Б.Блум таксономиясидаги олти даражани тўлиғича ўз ичига олади.

№	Модел номи	Дарс босқичлари
1.	Тушунчаларни шакллантириш	1. Объектларни санаб кўрсатиш
		2. Келтирилган объектларни гуруҳлаш.
		3. Гуруҳларнинг тоифалари ёки обозначение си.
2.	Маълумотларни интерпретациялаш	1. Асосий хусусиятларини кўрсатиш.
		2. Келтирилган маълумотларни тушунтириш.
		3. Фаразни ишлаб чиқиш.
3.	Қоида ва принципларни татбиқ этиш	1. Фаразни ўртага ташлаш ва унинг натижаларини олдиндан айтиб бериш.
		2. Олдиндан айtilган натижалар ёки фаразларни тушунтириш ва асослаш
		3. Фараз ва мулоҳазаларни текшириб кўриш.

Тадқиқотчилик технологияси қўлланиладиган интерфаол технологиялар:

- *лойиҳа-тадқиқот технологиялари (ақлий ҳужум, тажриба-синов ишлари, ишчан ўйинлар, изланув эксперименти, манбалар таҳлили),*
- *муаммоли таълим технологиялари (муаммоли баён, қисман-изланиш, эвристик ёки суқротона суҳбат, ақлий ҳужум),*
- *“лойиҳа методлари” технологияси,*

- кейс технология, тренинг технологиялар, ўқитишнинг жамоавий усуллари (ЎЖУ), компьютер (янги ахборот) технологиялари, табақалаштириб ўқитиш, ҳамкорлик педагогикаси, ривожлантирувчи таълим, ўқув билимларини босқичма-босқич шакллантириш.

Она тили дарсида кейс-технология воситасида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш

Предмет	Она тили. Синфдан ташқари дарс.
Синф	9
Соат	2 дарс (90мин)
Кейс кўриниши	Амалий
Кейс типи	Эвристик

Дарсинг мавзуси: Ўз тилини унутган халқнинг осмонида порламас қуёш

Мақсад: ўқувчиларга ўз тили тарихий тараққиётини ўргатиш, она тилини олий қадрият деб билишга одатлантириш.

Вазифалар:

- турли жанрдаги матнларни ўрганиш,
- болаларда луғат бойлигини оширишга интилишини ўстириш,
- баҳс-мунозарада иштирок этиш, ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиш, нутқий вазиятларни ҳал этиш.

Кичик гуруҳларга топшириқлар:

Белгиланган мавзу асосида 6 та гуруҳ тузилади. Ҳар бир гуруҳ муайян соҳа вакиллари ролида чиқади:

прозаиклар, лириклар, фольклористлар, философлар, экспертлар.

Ўзувчилар - (муаммони насрий асарлар: ҳикоя (Соғинч мактуби 115 -б) асосида таҳлил қилиш);

- **Шоирлар** - (Муаммони шеърий асарлар асосида таҳлил қилиш);
- **Тарихчилар** - (тарихий материалларга таяниб муаммога баҳо берадилар);
- Публицистлар:
- муаммони публицистик асарлар мисолида ўрганадилар
- мутафаккир ва арбоблар: афоризмлар ёрдамида муаммога ёндашадилар
- **Экспертлар** – қуйидаги мезонлар асосида гуруҳларнинг ишини баҳолайдилар:
- муҳим маълумотни ажратиб олиш,
- жавобларнинг далил-исботли бўлишига эътибор бериш,

- мунозара қила олиш,
- мантиқийлик,
- нутқнинг равонлиги,
- муаммо муҳокамасида фаол қатнашиш.

Иштирокчилар олдига она тилини бойитишда қандай манбаларга таяниш зарурлигини аниқлаш вазифаси қўйилади –тилни ички имкониятларидан келиб чиқиб бойитиш керакми ёки ташқаридан сўз олиб кириш ҳисобига бойитиш керакми?

Муаммони ҳал қилиш учун **кейслар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда шеърӣ насрий ва публицистик матнлар берилган.**

Кейс билан ишлаш:

Мавзу ўқувчиларга олдиндан эълон қилинган. Манба йиғиш учун кўп вақт кетиши ҳисобга олиниб, ўқувчиларга етарлича вақт берилади (1-2 ҳафта).

Ўқитувчи қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни сўрайди:

- она тилига таъриф беринг;
- бугун ўз она тилини яхши билган одам замонавий ҳисобланадими?
- она тилини бойитиш ва ҳимоялаш деганда нималарни тушунасиз?;
- яхши инсон она тилига менсимай қараши мумкинми?;
- тилни эъзозлаш.

Дарс сўнгида ҳар бир гуруҳ она тилининг ривожланишини белгилаб берувчи ўз қарашларини асослаш учун етарли материаллар (афоризм, олим ва мутафаккирларнинг фикрлари, далил ва исботлар) тўплайди. Кейсларда она тилини бойитиш йўлларига оид турли талқинлар мавжуд бўлиб, бу ўқувчиларга ўз фикрларини тўғри шакллантиришларига ёрдам беради.

АДАБИЁТ дарсида кейс-технология воситасида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш

Дарснинг мавзуси: Ёзувчи Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси
(6-синф, 2 соат)

(лойиҳа-тадқиқотчилик технологияси асосида)

Предмет	Адабиёт. Синф-дарс.
Синф	6
Соат	1 дарс (45мин)
Лойиҳа-тадқиқотчилик кўриниши	амалий

Лойиҳа-тадқиқотчилик типи	Эвристик
-------------------------------------	----------

Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилгач, ўқувчиларни 5 та гуруҳ (5-си экспертлар гуруҳи)га бўлади.

Уларга саволлар ёзилган карточкалар беради ва саволларга жавоб беришда НАМО-формуладан фойдаланилишини айтади:

Муаммоли -тадқиқотчилик технологиясида қўлланиладиган НАМО-формуладан фойдаланиш:

Н – Нуқтаи назарингиз (фикрингиз қандай) – Менинг фикримча, ...

А – асослаш (фикрни асословчи изохлар) - чунки...

М – мисол (далиллар, иллюстрациялар) - ...масалан, ...

О – Оқибат (нуқтаи назарни қабул қилдириш учун айтиладиган хулоса) –, шунинг учун...

4 та гуруҳ 4 та муаммоли савол:

(1), (2), (3), (4) гуруҳ тақдимотлари тингланади.

Экспертлар уларнинг чиқишларини баҳолайдилар: бунда фикрларнинг далиллангани, хулосаларнинг аниқлиги, ижодий қўшимча фикрнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратадилар.

Иловалар

Гуруҳлар учун саволлар:

1. Нима учун капитан кичкина Одилни Павлик Морозовга ўхшатганида, у жуда хурсанд бўлиб кетди? Сиз Павлик Морозовга ўхшашни истайсизми?

Мардлик (қаҳрамонлик) ҳақида мақол, шеър ёки ҳикматли сўз топинг. Сиз мардликни қандай тасаввур қиласиз?

2. Болохонага Одилнинг отаси яширган расмларда кимлар тасвирланган? Расмлардаги кишиларнинг кўзларини ким ўйиб олган ва нима учун ўйиб олган?

Қизил аскарларнинг Ўзбекистонда амалга оширган хунрезликларини эсланг ва мисол келтиринг.

3. Сизнингча, отанинг қамалишига ким сабабчи бўлган?

Чакмачақар ҳақида қандай халқ эртаги ёки мақолини биласиз? Нима чун чакмачақарни халқ шу қадар қоралайди?

4. Сталин ким? Одил Ёкубовнинг отаси Сталиннинг доно раҳбарлигига ишонган инсонми ёки аксинча уни ёқтирмайдиган кишими?

НАМО-формула бўйича 1-гуруҳ спикери тақдимоти (намуна сифатида):

(1) (Н) Менимча, бола Павлик Морозовнинг “қаҳрамонлиги” ҳақидаги маълумотларга эга эди. Бу маълумотларда Павлик Морозов коммунизм ишига

садоқатли қаҳрамон қилиб тасвирланган. Биз Павлик Морозовга ўхшашни хоҳламаймиз. (А) Чунки Павлик Морозовнинг қаҳрамонлиги аслида сотқинлик эканлигини биламиз. М – масалан, у ўз отаси ва бобосини қизил аскарларга ушлаб берган. Унинг сотқинлиги сабабли оиласи ўлдирилган. (О) – Шўро даврида одамларга нотўғри фикрлар ва ғоялар яхши деб тушунтирилган. Уларнинг қалбига ёмон нарсалар юксак ҳиссиётлар сифатида сингдирилган.

Садарайхон букилгани – сўлгани,
Эр йигитнинг эгилгани – ўлгани.
Йўл бермагил душманларга кулгани,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

(Иқбол Мирзонинг “Ўзбек эли” шеърдан парча)

Мардлик ёв олдида эгилмаслик, ўз юртини хор қилиб қўймасликдир.

“Ёзувчилар” гурӯҳи учун кейс

Соғинч мактуби¹

Турмуш икир-чикирлари ва хизмат тақозоси билан анчадан буён кўришолмай юрган кадрдонларим бугун байрам баҳонасида уйимга йиғилдилар, ойижонимнинг шодлигига шодлик қўшилганини кўриб, дилдан қувондим. Қўлимдан келганча дастурхон тузадим.

Мен илгари исми-зотини билмаган, беўхшов ясаниб олган, ўрта ёшлардаги бир аёлни дугонам Розия бошлаб келди. Чой тортилгандан кейин меҳмонлар ҳайитлик пишириқлар, ширинликларга оғиз тегизишди. Бир пайт қарасам бояги хотиннинг ҳолати бошқача. Қош-қовоқларини сузиб, қип-қизил бўяб олган лабларини буриштириб дастурхонга қия бўлиб ўтирибди.

Ўнғайсизланган Розия уни дастурхонга таклиф қилди.

-Ўртоқ, дастурхонга қараб, ҳайитлик ширинликлардан олиб ўтир.

-Кўп зўрламагин!-деди у аёл қовоқларини уйиб.-Биз қачонгача мана шундай ўрама деган нарсани домланинг салласидек усти-устига қўйволиб, худди от жўхори егандек қисирлатиб юрамиз? Ҳозир маданиятли уйларда қолбасаларни ялтираб турган вилкаларга чиройли санчиб, оғизни биздек чапиллатмай шундай сиполик билан ейишаркан, виски, брендиларни қултилатмай томоқдан сузиб ичишаркан. Ажаб зерикдим бу ердан. Вайгу дегани нечоғлик яхши. Шу ҳам кун бўлдимиз? Қуруқдаги бақадек яшаб!

-Ўртоқ, мабодо томинг кетиб, эсинг оғиб қолмадимиз,-деди Розия аламдан қизариб,-вайгу, пайгу деганларинг ўзи нима у?

¹ Musictv.uz - musiqa va shou-biznes olami
hayol.uz/load/sevgi_hikoyasi/sog_39_inchli.../19-1-0-1784

-Пайгу эмас, вайгу, у чет эл деган гап, чет эл! Шунини ҳам билмасанг сен бечора.

Аёл шундай деди-да, қачонлардир оғзига солиб олган сақичини худди аравакаш отга қамчи ургандек қарсиллата бошлади.

Ҳаммамиз анчагача жим бўлиб қолдик. Қайфиятимизни бузган бояги хотинга ер остидан қарадим. У ҳамон баланд овозда сақичини чайнади.

- Байрам қилиб келдикми ёки таъзиягами?-деди яна Розия чидамай.- Кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди. Соғинганимиз, бундай ҳол-аҳвол сўрашиб, гаплашиб ўтирайлик. Қани Сабоҳат, соҳиби хонадон бўлганингдан кейин гапни аввал ўзинг бошла!

- Маъқул, - дедим мен ҳам чуқур тин олиб пиёлага чой қуйилгач,-биз-ку ҳафта, ойда бир кўришсак ҳам ватанимизда, бир шаҳарда яшаймиз. Лекин болалигимиздан бирга ўйнаб катта бўлган дугонаимиз Чамангул биздан, Ватандан айрилиб чет элда яшайпти. Ундан кеча хат келди. Мактубида ҳаммамизга йиғлаб туриб салом йўллабди, унинг ёзганларини ўқиётимиз менинг ҳам кўнглим бузилди.

- Жон ўртоқ, илтимос шу хатни ўқиб бер!-деди дугоналаримиз орасида Шамсия исмлиси.

- Майли,-дедим-да, хатни олиб ўқий бошладим:

«Ассалому алайкум! Азиз дугонажоним Сабоҳат, айёминг муборак бўлсин!

Шу топда сен Ватанда, она заминда, айём шодлигига чўмиб қариндош-уруғ, ёру-биродарлар билан жам бўлгандирсан?

Дугонажон, мана мен ўзимнинг каттагина чорбоғимда айёмни кутмоқдаман. Ҳар хил мураббо, торт, гўштлар, сариёғлардан тортиб асл вискиларгача тортилган нафис кашталиқ дастурхон қаршисида эримнинг башанг кийинган дўстлари ўз аслзода хонимлари билан биллур рюмкаларни уриштириб ҳайит билан бир-бирларини табриклаётган бўлишса-да, Ватан барибир Ватан. Шу тобда ўрама, қуймоқ, ёғли кулча, ёнғоқ, бодом, олма, анор ва бошқа нозу-неъматлар тизилган кадрдон ҳайитлик дастурхонимиз ҳиди бурнимга урилгандай бўлиб кетди. Ҳайит кунлари баланд пештоқларда янграйдиган ноғора, карнай, сурнайларга жўр бўлиб самога туташадиган оташқалб халқимизни хижрон азобида лахта-лахта қонга тўлган юрагим-ла соғиндим. Калта сочларини майда ўриб олиб, оддий бўлса-да, ҳайитга атаб тиктирган ярашиғлик чит кўйлақларини кийиб, кўчага чиқадиган табиий гўзал қизларимизни, ранг-баранг бўялган тухумларни тишларига уришиб, «Қани тут ҳа, йўқ, бу сафар сен тут!» деб тухум чақишадиган мардона сахро йигитларини соғиндим.

Мана, олдимда Франциянинг аташга одамнинг тили келмайдиган турли-туман нозу неъматлари турибди. Лекин Турфондаги ёзнинг ёлқин тоғ қуёшида тобланиб пишадиган узум, қовун-тарвузлари кўзим олдидан нари кетмайди. Бутун баданидан гупиллаб атир анқиб турган шунча одамлар орасида туриб, вужудидан тупроқ ва меҳнат ҳиди келадиган деҳқонларни соғиниб, бийдек чўлда

ёлғиз қолган одамдек мискинланиб қоляпман. Худди подалар орасида қолган подачи молларини яйловга қўйиб юбориб, ўзи чалқанча ётиб якка хаёл сургандек мен ҳам уйимга талай меҳмонларни чақириб қўйиб, ўзим ёлғиз балкониимга чиқиб олиб кўзларимни сарҳадсиз олисларга-ўша Ватан томонга тикиб сизларни эслаяпман.

Болалик чоғларимизда айём кунлари онам кўз ёш қилсалар, нимага йиғларкинлар, деб тушунмаган эканман. Энди ўйласам, одам улғайган сари юртини, ота-онасини, қариндош-уруғларини соғиниб гурунглашгиси келаркан. Ўтган ишларни эслаб кулгиси, йиғлагиси келаркан. Агар билсанг, машинамни озода йўлларда ҳайдаб келаётиб, эшак аравага ўтириб уйимизга қизилча ташиган вақтларимни қўмсайман. Эрим, болаларим билан денгиз соҳилига сузгани бориб, биз доим чўмилган уйимиз ёнидаги анҳорни соғинаман... Ҳатто, ўша анҳордаги эски тегирмон, маҳалламиздаги ромлари қийшайиб қолган қоронғи жувозхона ҳам ҳамиша кўз олдимда.

Ўртоқжон, бошқалар гўзал деб таърифлайдиган Франциядаги менинг ягона сиғинадиганим-она тилим. У мен учун маком куйи сингари оҳангдор! Хавотирим, фарзандларимизнинг ўз тилини билмай улғайишида. Шунинг учун уйда уларга доим она тилимизда гапираман. Ташқи шароитнинг таъсири туфайлими болаларим баъзи сўзларимизни тушунмай қоладилар, баъзида кўнглим учун бу ернинг маҳаллий тилига ўз тилимизни аралаштириб сўзлайдилар. Шу чоғда шунчалик азобланаманки, хонамга қамалиб олиб юм-юм йиғлайман.

Ўз она тилимни эшитиш имконияти бу ерда жуда оз бўлгани туфайли, чиройли гап-сўзларнигина эмас, ўша, юртимиз кўчаларида бир-бири билан талашадиган вайсақи хотинларимизнинг хунук гапларини-да жуда-жуда соғинганман. Биласанми, Сабоҳат, юртимиздаги ярим кечада гап-гаштаклардан кейин кўчада баралла қўшиқ айтиб юрадиган ширакайф йигитларимизнинг хиргойиларини Франциянинг ҳар қандай операларига тенг қилмайман. Агар мана шу кунларда бу ерда мени бирортаси соф она тилимда сўкса ҳар биринглар билан кучоқ очиб кўришгандек хурсанд бўлардим!

Азизам Сабоҳат! Мен бу ерда бир қарашда сен қиёслаганингдан ҳам яхшироқ, роҳат-фароғатда яшаётганим билан қалб соғинчининг истакларида бағри чок-чок бўлган руҳий бечора ватангадоман.

Сабоҳат, чет элга тўй бўлиб узатилиб кетаётган пайтимда сен менга ҳавас қилган бўлсанг, мана энди мен сенга, сендек она-Ватан тупроғига қадам босиб туриб яшаётганларга ҳавас қияпман. Дугонажонлар, Аллоҳ насиб қилса кейинги ҳайитга қадар болаларим билан Ватанга ота-онамни, юртимни, ёру биродарларимни кўргани, она заминнинг талқон тупроқларини юзимга ула ўрнига суркагани бормоқчиман. Айёмлик саломимни айём аҳлининг ҳаммасига етказиб қўйгайсан.

Олисдан ватангадо мусофир дугонанг Чамангулдан».

Хатни кўнглим бузилган ҳолда ўқиб бўлиб, дастурхон атрофида ўтирган меҳмонларимга қарасам, ҳаммасининг кўзлари йиғидан қизариб кетибди. Гарчи ҳаммамиз йиғлаётган бўлсак ҳам, бахтиёр кўзларда кулги табассум балқирди. «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл!» деган ҳикматнинг тагига мана энди етгандек бўлдим. Ёшли кўзларимла оддий хонамга назар ташладим. Илгари шу қадар оддий уйим бугун менга шунчалар чиройли ва баҳор гулларидек хушхидли туюларди, ундаги ҳамма нарса ўзгача жилва билан кулиб боқарди. Дўстларим аввалгидан ҳам неча ҳисса қадрдон эди. Бояги (вагупараст) хотин нимагадир ҳали ҳанузгача дастурмоли билан кўзларидаги ёшларини тўхтатолмай энтикиб-энтикиб йиғларди...

“Шоирлар” гуруҳи учун кейс

ФАХРИЯ

Ассалом, она юрт, тонглар ўлкаси,
Таъриф-тавсифингни йўқ ниҳояси.
Сенга бағишланур муқаддас қўшиқ
Бу—ўзбек элининг ўз мадҳияси.

Кўҳна ота юртим, қадим Туроним,
Ўз бешиқ, ўз тилим, шавкатим, шаъним.
Етти иқлим ичра тенги топилмас —
Тупроқлари олтин Ўзбекистоним.

То башар бор экан, бор экан қуёш
Бирлашган элга ёв отолмагай тош.
Ёвқур йигитларинг, лочин қизларинг
Ғанимлар олдида эгишмайди бош.

Дастурхони очиқ, хирмони баланд,
Самовий тоғлари номига монанд.
Оламга машҳур не зотлар ватани
Меҳринг қон-қардошлар меҳрига пайванд.

Сен тошқин Жайҳуним, теран Сайхуним,
Сен—менинг ўтмишим, сен—ёруғ куним.
Елкадош ўлкалар билан ҳамнафас
Шонли Туркистоним—Ўзбекистоним.

Гулинг гулзор бўлсин, қирларинг ўрмон,
Дарёларинг денгиз, кўлларинг уммон.
Худудинг дахлсиз, яловинг юксак

Сен—шарқнинг машъали сен—доруломон.
Тўра Сулаймон



МЕРОС

Ўғилларим Фикрат, Хондамир, Бобур ва қизим Зебога

Мен сени ўстирдим силаб-сийпалаб,
Едирдим, ичирдим, тоза кийдирдим.
Терласанг, манглайдан теринг сидирдим,
Қоқилсанг, тургиздим кўнглингга қараб.

Такдирдан шикоят қилмадим сенга,
Сенга ҳам шу йўлни маслаҳат бердим.
Адашсанг, ҳақ йўлин кўрсатиб турдим,
Покликдан нур қуйдим мурғак кўксингга.

Шукурки, камлигим йўқдир бошқадан,
Бировга тикмадим ҳасад кўзини.
Иккита қилмадим устоз сўзини,
Дўстларим сафидан узмадим қадам.

Сочларим оқарди, йўлим қисқарди,
Баъзи бир тишларим ўзимникимас.
Дўстлар ҳам камайди, энди бут эмас,
Киприкда, қошимда йўлларнинг гарди.

Гоҳ дилим ўйнайди, гоҳ босим баланд,
Гоҳ бошим айланиб, тўхтаб қоламан.
Энтикиб-энтикиб нафас оламан,
Даҳшатли ўйларга фикрим бўлиб банд.

Шунда ҳам ўлимдан кўркмайман, ўғлим,
Ўлимдан кўркмоқлик — номарднинг иши.
Рост айтсам, ниятим чала қолиши
Бағримни қилади тилим ва тилим!

Қулоқ сол, эй ўғлим, вақтики етиб,
Мен ёруғ дунёдан кўзимни юмсам,
Демакки, ижоддан тўхтасам, тинсам,
Уйма-уй изғима зўр мерос кутиб.

На бордир мол-мулким, на мўмай пулим,
Дўстларим ясайди умримга якун.
Сиз учун меросим — пок умрим, лекин
Ундан ҳам азизи — ўз она тилим!!!

Шухрат



Асрагил

Капалак ўзин урмас ҳароратсиз шуълага,
Чигиртка ҳам жўр бўлмас бегона ашулага.
Нурдек қадим қонинг бор,
Довруғинг бор, шонинг бор,
Бўй берма чалажаноб ёки чаламуллага.
Қалб кўрғонин чечаги — пок ниятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Боласин ўйламаган қумурсқа ё қуш қайда?
Бешикнинг дук-дукидек юракка товуш қайда?
Ўзбекка ор маънодош,
Ибо-ҳаё — кўзу қош,
Ғурурсиз Бек қайдаю ибосиз Кумуш қайда?
Юрагинг тумор бўлсин, қутлуғ хатни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Отасини унутган, иблис этагин тутган,
Кутса хат-хабар эмас, нафсига малҳам кутган,
Бетизгин, салт, бежилов,
Ўзига ҳам ўзи ёв,
Мушук ўйнаган ғалтак каби чувалиб кетган —
Кетган кас-нокаслардан қадриятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Манзил-мароҳил тайин бўлмаса жилмас карвон,
Ҳеч курса, сардобага етгунча тинмас карвон.
Ўйсиз йўловчи бўлмас,
Мақсадсиз овчи бўлмас,
Олис йўлни кўзласа йўрғага минмас карвон,
Ўркач-ўркач ғурур-ор, ҳамиятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Бугунги кеча учун ҳам эртанги тонг учун,
Осмон кумушжомида қуёш урган бонг учун,

Янги юриш бошланди,
Сўнгги уруш бошланди –
Эътиқод-иймон учун, қалб, тафаккур, онг учун!
Қоракўз болаизор – жамиятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!
Иқбол Мирзо



Сўз

Тоғлар чўққисида мангу яшар қор,
Товланар кумуш ранг нурдан зиёда
Дунёда неки бор фусункор чирой
Сўзнинг қудратида бўлар ифода.
Гўдак оёғини босмай заминга
Муқаддас бир сўзни олар тилига
“Она” сўзи дилга ҳарорат бериб,
Боғлаб қўяр уни она тилига.
Йигит илк муҳаббат тафтида ёниб,
Қалбида маъсум бир ҳислар туйганда,
Кўнгил изҳорини этмакка ошкор,
Мурожаат қилади она тилига.
Кўкда бунча маъюс боқаётир ой,
Шахло кўз дардидан сўйлайди юлдуз,
Нега қалбни эзар маъсум бир ғусса,
Бу ҳисни англатар қайси сирли сўз.
“Муҳаббат” пичирлар йигит лаблари,
Кўкракда талпинар ширин ҳаяжон,
Ушбу сирли сўзни тилга олганда,
Ларзага тушади ер ила осмон.
Йиллар ўтаверар, югурик кийик,
Бугун борлик, эрта йўқлик ташвиши,
Олам билан сўнгги видо чоғида,
Сўздан юпанч излаш тақдирнинг иши.
Лаб аста қимирлар, дунёи азал,
Ҳатто сўнг чоғда ҳам, тинчлик бермайди.
Рози-ризоликни тилашмасанг гар,
Кўксинг тўла армон, кўнгил тинмайди.
“Ҳайр, она диёр, бетимсол Ватан,
Ҳайр, қора кўзим, эй жигарбандим,
Қарзимни уздимми ё узолмадим,
Рози бўлинг мендан, жоним узилар”.
“Розиман” сўзини эшитгани он,
Танани тарк этар озод бўлган жон.

Кўзлар юмилади, руҳ ҳам хотиржам,
Демак, сўнгги дам ҳам сўз берар ёрдам.
Бари учун унга ташаккур дилдан,
Миннатдормиз эзгу она тилидан.

Муҳайё Эгамберди қизи.



Она тилим

Дунёда энг гўзал тил,
Менинг она тилимдир.
Удир олий кадрят,
Маърифатдир, билимдир.

Темур бобом тузуги,
Навоий шеъри шунда.
Яссавий ҳикмати-ю,
Бобурнинг дарди шунда.

Увайсий хасрати-ю,
Нодиранинг армони.
Қодирий, Чўлпон дарди,
Битилган дил достони.

Бугун юртда истиқлол,
Элим озод, тилим ҳур.
Улуғ она тилимда,
Сўзлаяпман мен мағрур.

Норимгул Шукурова.

“Фольклористлар” учун кейс ***Қопиб гапирма, топиб гапир*²**

Юрт подшосининг ажойиб бир одати бор экан: қабулда, гурунг ва давраларда, ногаҳоний мулоқотларда кимдир унга манзур бўладиган маъноли, мантиқли, чиройли лутф қилиб қолса, подшо мамнун бўлиб, беихтиёр “*Салламно*” деб юборар экан. Шуниси ажойибки, *салламно* сўзи подшо оғзидан чиқиши билан хазинабон суҳбатдаги доно одамга ҳеч сўзсиз “топиб гапирганинг учун, эй, зукко одам!” дегандай минг тилло танга солинган халтачани таъзим билан топширар экан. Шу туфайли қаерда бўлмасин, “минг тиллоли халтача” ларни подшо

² Адҳам Каримов. Бир гапим бор – уч тилло . – Т.: Адолат, 1992 (Тил ва адабиёт таълими, 2001. 3-сони, 70—73-бетлар)

кишилари ўзлари билан доимо олиб юрар эканлар. Подшо шу тарзда *салломно*, - яъни офарин деган мазмун касб этган, кишига хушвақтлик бахш этувчи сўз шарофати билан етти иқлимга танилган экан.

Кунлардан бир кун подшо ўз одамлари билан шикорга чиқиб, кечга яқин ўз саройига қайтаётганда, чўлда ўсиб ётган бир неса зайтун дарахтлари қаторига яна янги зайтун ниҳолларини экаётган бир мўйсафидни кўрибди. Мўйсафид чол ўз ёнига яқинлашиб келаётган отликларни меҳмон кутганкишидай кўлини кўксига қўйиб салом билан қарши олибди.

- Омон бўлинг, отажон! – дебди подшо чолга.

- Қизик, одам деган мевасини ей деб умид билан кўчат экади. Маъзур тутасиз-у, лекин сизнинг ёшингиз бир жойга бориб қолибди. Шундай бўлса ҳам экаётган дарахтларингизнинг мевасини кўрмоқ умидидамисиз?

- Тилингизга шакар, олампадох, -дея гап бошлабди мўйсафид. – Мана бу катта зайтунларни ҳам раҳматли бобомиз экканлар. Мана, биз – набиралари ул кишининг ҳақларига дуо қилиб, эккан дарахтлари саховатидан баҳраманд бўлиб келяпмиз. Менинг ниҳолларим ҳам ўсиб авлодларимга ўз саховатини ҳадя этса, дорилбақоғда руҳимга раҳматлар ёғилса, ажаб эмас!

Подшо мўйсафиднинг гапидан таъсирланиб беихтиёр *Салламно* деб юборибди. Шикорда ҳамроҳ бўлган вазир анъанага кўра шу заҳоти минг тилло тангали халтачани чолга узатибди.

- Эзгу ниятингиз ижобат бўлсин, отахон! – дебди-ю, подшо отнинг бошини йўлга бурибди.

Гойибдан келган бойликни кафтларида ушлаб турган мўйсафид хаёлидан ўтган фикрдан энтикиб кетибди ва отликлар ортидан қичқирибди:

- Ҳазратим, бир дақиқа тўхтаг! Мени маъзур тутинг, лекин дилимдагини айтмасам бўлмас!

Отликлар тўхтаб, мўйсафид эса уларга яқинлашибди

- Шоҳим, ҳали “ёшингиз бир ерга бориб қолибди, бу кўчатларнинг мевасини кўрасизми-йўқми”, деган эдингиз. Қаранг, эккан ниҳолларимнинг мевасини ҳозирнинг ўзидаёқ кўрдим, -дебди мўйсафид севинч билан.

- Қандай? Ҳали остидаги тупроғи қотмаган кўчатларингизнинг мевасини кўрганингизни, қани, айтинг. Биз ҳам шоҳид бўлайлик, - дебди подшо.

- Агар мен ниҳолларни ўтқазмасдан чўлда бекорга сандироқлаб юрганимда сиз менга бу олтинларни бермаган бўлар эдингиз. Ахир бу олтинлар ниҳолларимнинг илк меваси эмасми?

Подшо донишманд мўйсафиднинг ташбаҳларидан роҳатланиб сидкидилдан яна *Салламно!* Деб юборибди. Вазир бу сафар ичи оғриниброқ минг тилло тангали халтачалардан бирини чолга узатибди. Бироқ шу пайт халтачанинг оғзи яхши боғланмаган эканми, бир дона тилло танга халтачадан ерга тушиб кетаёзди. Бунга кўрган мўйсафид чакқонлик билан ҳаракат қилиб, олтин тангани ердан туширмай, уни хаводалигидаёқ уни хаводалигидаёқ ушлаб

олибди. Бирпасда икки минг тилло тангага эга бўлган чол подшо ҳақкига дуолар айтибди, беҳад миннатдорчилик изҳор этибди.

Подшо ва унинг одамлари мўйсафиднинг зукко одам эканлигига тасаннолар айтиб, ортга қайтибдилар. Лекин “арзимаган гаплар” билан бойиб олган чолга вазирнинг дилида қандайдир ғайирлик пайдо бўлибди ва подшога қитмирлик ила гап қотибди.

- Олампаноҳ, ҳалиги чолга олтин бериб адашмадикмикан?

- Нечун? – дебди шоҳ вазир саволидан ҳайрон бўлиб.

- Қаранг, осонгина икки минг тангага эга бўлиб турибди-ю, яна сиздек улуг зот олдида очкўзлик қилиб, халтадан тушиб кетаётган тиллога ўзини сакдай отганини кўрдингизми? Ахир ўша бир тиллони ҳеч ким олиб қўймас. Биздан кейин ҳам олса бўлаверар эди-ку! Шу боис саховатдан озгина адашмадингизмикан-а, ҳазрат? Менимча, бу чол фирибгарга ўхшайди.

Вазирининг гаплари подшога таъсир қилмай қолмабди. “Ҳа, нега менинг олдимда бир дона олтин тангага ўзини отиб солди чол? Чиндан ҳам тангани биздан кейин олса бўлаверар эди-ку!” деган фикр подшонинг хаёлидан ўтибди ва ўша зайтун экаётган мўйсафид чол томон шахдам бурилиб отни йўрттирибди. Қолганлар ҳам шу заҳоти подшо ортидан эргашибдилар.

Подшо ўзини таажжубга солган ҳолни юзига айтиб мўйсафидни уялтирмоқчи бўлибди. Бироқ мўйсафид чол таънадан хафа бўлмабди. Аксинча унинг юзига табассум нурлари югурибди.

Эй, олампаноҳ! – дебди доно мўйсафид, - мен сиз ўйлаганчалик очкўз эмасман! Берган олтинларингиз, мана ўз жойида турибди. Истасангиз, уларни қайтариб олинг, бош устига! Таъбирда ҳам тез келган бойлик доим ҳам хосиятли бўлавермайди, дейилган. Халтадан тушиб кетаётган олтин тангага дафъатан ўзимни отишимнинг боиси бутунлай бошқа эди.

Чол халтачадан бир дона олтин танганаи олиб подшога кўрсатибди:

- Қаранг, шоҳим! Танганинг бир томонига отангиз сиймоси зарб этилган бўлса, иккинчи томонига эса “Шашкалима”нинг бош ояти зикр этилгандур. Мен мана шу табаррук зот ва муқаддас сўзлар ҳурмати, улар тупроққа тушмасин деб авайлаб ўзимни унга отган эдим!

Подшо вазирга бир хунук қараш қилибди-да, лекин янада қатъийроқ оҳангда *Салламно!* Деб юборибди. Шоҳнинг қарашиданоқ ичидан қиринди ўтиб кетган вазир олтин тўла халтачани саросимада қалтирай-қалтирай донишманд мўйсафид чолга узатибди.

Шундай қилиб, донишманд чол ақл-заковати шуури билан суғорилган одамийлик, закийлик ва эътиқод касб этган самимий мушоҳадалари туфайли бир неча дақиқида катта бойликка эга бўлибди. Донишманд мўйсафид омадига ғайирлиги келган, эзгу ишлардан юрак-бағри эзиладиган худбин вазирнинг эса юзи шувит бўлибди. Зеро, ўзгалар муваффақияти, омади ва ишбилармонлигидан фахр этиш, суюна билиш фазилати ҳаётда ҳаммада ҳам устувор бўлса... (Адҳам

Каримовнинг “Бир гапим бор – уч тилло” китобидан – Т.: Адолат, 1992. (Тил ва адабиёт таълими, 2001. 3-сони, 70—73-бетлар)

Публицистлар учун кейслар **Ўзбек тилининг тараққиёти ҳақида³**

Жаҳон аҳолиси 2,5 минг тилда ўзаро мулоқотда бўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар кенг тарқалган. Лекин уларнинг аксарият қисми кам сонли миллат ва элатлар тилларига мансуб. Шулардан 50-60 тага яқин тиллардагина тўлақонли дунёвий фанлар ўқитилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, кўз олдимизда дунёнинг тил манзараси яққол намоён бўлади.

Ҳар қандай тил инсоният учун ноёб ҳодиса сифатида эътироф этилиши керак. XIX асрнинг охирларида чоп этилган Буюк Британия энциклопедиясида дунёда фақат қайд этилган тилларнинг умумий сони 6,5. минг эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган эди.

Ўзбек тили ҳам дунё тиллари орасида салмоқли мавқега эга эканлигини ўқитириб ўтмоғимиз керак.

... Агар тилимизнинг ҳақиқатан ҳам фалсафий-илмий тил сифатидаги мавқеини оширишимизни ўйлайдиган бўлсак, энг аввало инсониятнинг илмий-фалсафий меросини ўз тилимизда жаранглашини таъминлашимиз мутлақо зарур. Бу борада дастлабки қадамлар ташланган бўлса ҳам ҳали қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Соҳалар бўйича таржимачилик марказ (мактаб)ларини шакллантиришнинг вақти келди.

Тилимизнинг ифода имкониятларини кенгайтиришни, халқаро жаҳон тилларига нисбатан тилимизга сайқал бериш ниҳоятда кечиктириб бўлмас вазифа қилиб белгилаб олишимиз лозим. Ижтимоий тараққиёт суръатлари шу қадар шиддат билан ҳаётимизни ўзгартиряптики, буни ўз вақтида илғаб олмаслик ва тил ва тафаккуримизда акс эттирмаслик қолоқлигимизга сабабчи бўлиши мумкин.

...Бугунги кун фан-техника тараққиётининг йўналишлари ва суръатларини ҳисобга оладиган бўлсак, асримизнинг 20-30 йилларида тил соҳасида инқилобий ўзгаришларга қодир кашфиётлар бўлиши кутилмоқда. Масалан, Австралиянинг Канберра Университети кутубхонасидаги юртимизга оид ноёб қўлёзма ва у ҳақидаги маълумотномани бир неча сония вақт ичида ўзбек тилида интернет тизими орқали қўлга киритишимиз мумкин бўлади. Бунинг учун ўзбек тили бойлиги, баён қилиш услуби, имкониятларининг инглиз тилининг қиёсий ўрганилиши, мувофиқлаштирилиши учун зарур бўлган тадқиқот ишларини ҳозирданок бошлаб юбориш зарур.

Тил – ақл ўлчови

³ Ушбу матнни тайёрлашда Энг олий қадрият (Шоир Берди Раҳматнинг Тохир Карим билан суҳбати) - «Ўлмас қадриятлар» китобидан фойдаланилди. - Тошкент, «Adib» нашриёти, 2009. - 128 б. – 34-37- б.

Ҳар бир халқнинг маданий бойлиги, ақл-идроки ва тафаккури, тарихи унинг тилида, ёзма ва оғзаки адабиётида ўз ифодасини топади. Тил бирлиги миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида энг муҳим шартлардан биридир. Тил бўлмаса, эл ҳам, миллат ҳам йўқ бўлади. Тил миллат тириклигининг, унинг яшаши, фаолият кўрсатишининг асосидир. Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир. Тил шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради. Унда миллий фахр-ифтихорни шакллантиради ва ривожлантиради. Бу ҳақида асрлар давомида қатор мақоллар яратилган: “Она тилим- доно тилим”, “Тил – ақл беағи”, “Тил – ақл ўлчови”, “Тил – дил таржимони”, “Тил – дил калити”, “Тил – тилдан ўткир”, “Тилни боғла дил билан, дилни боғла тил билан”, “Тилга эътибор – элга эътибор”⁴.

П.Бакиров

Зукколар тил ҳақида

Бутун жаҳон лингвистлар конгресси маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда жаҳон аҳолиси 3000 тилда сўзлашади. Булардан 1200 таси Жанубий Америкада яшовчи ҳиндулар тилларидир.

Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи улуғ тиллар ҳисобланган 13 хил тилда ўзаро алоқа қилади. Буларга хитой, инглиз, ҳинд ва урду, испан, фаранг, бенгал, араб, рус, немис, япон, индонез, португал, италян тиллари киради. Жаҳонда кўп тилларни билувчилар (полиглотлар) ҳам етарли.

Улуғ қомусий олим Абу Райҳон Беруний она тилидан ташқари санскрит, араб, форс, иврит, юнон ва бошқа тилларни яхши билган.

Кардинал Месеофанти (1774-1849) 114 та тилни билган.

Франкфурт-Майнда яшовчи олмон тилшуноси Л.Шютс 270 тилда бемалол сўзлаша олган.

Пушкин замонида яшаган даниялик Р.Раск бутун дунёни кезиб, 230 тилни ўрганган ва 28 та луғат ёзган.

1961 йили Олмонияда вафот этган профессор Геестерман 132 тилни яхши билган, ҳозир ҳаёт бўлган италян профессори Тальявани ҳам шунча тилда бемалол сўзлаша олади.

Жаҳон футурологларининг ҳисобича, яқин келажакда Ер қурраси аҳолисини 80% и инглиз тилида гаплашадиган бўлади.

БМТ маълумотларига кўра, инглизларнинг ўз она тилларини ўрганишлари учун 8 ой, испанларга 2-3 ой вақт кетса, японлар ҳатто мактабни тугатгач ҳам она тилини ўрганишда давом этишади.

Замбия (Африка) мамлакати аҳолиси 70 та қabila тилида сўзлашади, лекин инглиз тили расмий давлат тили саналади.⁵

⁴ Поён Бакиров. Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш. – Т.: Маънавият, 2007. – 46 б. – 30-б.

⁵ Аҳмад Муҳаммад Турсун. Зукколар китоби: ҳаммабоп қизиқарли қўлланма. – Т.: Муҳаррир, 2010. – 120 б.

“Тарихчилар” учун тестлар

Тилнинг ривожланиш тарихига оид айрим лавҳалар

XV асрда Султон Ҳусайн Байқаро Навоий ташаббуси билан туркий (ўзбек) тилини расмий сарой тили мақомига кўтариб, махсус фармон чиқарган.

Тараққийпарвар маърифатпарваримиздан **А.Фитрат, Боту, А.Авлоний, Элбек, Машрик Юнусов, Сайидалихўжа** кабилар «Чигатой гурунги» жамиятини тузишган. Унинг ҳаракат дастурида тил софлиги учун курашиш мақсад қилиб қўйилган эди.

3. 1918 йилда Махмудхўжа Беҳбудий Туркистоннинг Давлат тили тўғрисидаги декрет лойиҳасини тайёрлашда жонбозлик кўрсатди.

4. 1981 йилда ўзбек маданияти тарихида илк бор “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нашр қилинди.

5. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди

1-бошловчи: Ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилинганига йигирма йилдан ошди. Давлат ўз вазифасини бажарди, яъни сизу бизнинг қўлимизга сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган ҳужжатни берди.

0020

Ўзбек тилига нисбатан олиб борилган бу ноодилона сиёсат халқимизнинг руҳига, онгига салбий таъсир эта бошлади. Баъзи ўзбек раҳбарлари фақат ерли аҳоли тўпланган мажлисларда ҳам русча сўзлайдиган, бунини ўзлари учун маданиятчилик аломати деб биладиган бўлиб қолдилар. Ўз она тилини тузукроқ билмасда, аммо рус тилини мукаммал билиш, шу тилда чиройли сўзлаш маънавий камолотнинг чўққиси, маданиятчилик белгиси деббаҳоланадиган бўлди. Рус тилини яхши биладиганлар мансаб пиллапоаялари томон кўтарила бошладилар. Охир-оқибатда ўз миллий маданиятини, анъаналарини билмайдиган, ўз она тилига менсимай қарайдиган кишилар кўпая бошлади. Бу жамиятнинг катта фожеаси эди.

З.Ғафуров

Мутафаккирлар учун кейс

Бир сўз айтмоқчи бўлсанг, маъносини ўйлаб кўр. Сўзламайдиган тақдирда зиммангда масъулият қоладиган бўлсагина сўзла. Акс ҳолда, овоз чиқарма.

Имом Ғаззолий



Мен фанлар ичида энг биринчи фан – тил ҳақидаги фандир... иккинчи фан – грамматика (тил қоидалари)... учинчи фан – мантиқ, тўртинчи фан поэтика (шеърят)дир деб тасдиқлайман.

Абу Наср Форобий



Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади.

Ибн Сино



Нукта сув янглиз эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.
То топибон хуш **такаллум тузай**,
Сўз чамани ичра наво кўргузай

Алишер Навоий

Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги ва дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиши учун шулардан биттасининг бузилиши кифоя.

Исмоил Гаспринский



Ҳар бир миллатнинг борлигини кўрсатадургон ойнаи ҳаёти - бу тил ва адабиётдир.

Абдулла Авлоний



Умумий миллий тилни сақламоқ ила баробар хусусий оғиз орасида ҳам тилни сақламак лозимдир. Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадургон тарозусидир

Абдулла Авлоний



Тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир.
. . . Тил – миллатнинг қалби. Тил ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир.

А.Н.Толстой



Биз учун тилимиздек одатий ва оддий туюладиган ҳеч нарса йўқ, аслида эса, ҳеч бир нарса тилимиздек ажиб, мўъжизакор эмас.

А.Н. Радищев



Чет сўзларни, айниқса, заруратсиз қабул қилиш тилни бойитмайди, аксинча, бузади .

А.П.Сумароков.



Тилимизнинг софлигини муқаддас билиб сақланг. Ҳеч қачон чет сўзларни ишлатманг.

И.С.Тургенев

Мундарижа:

- **Тадқиқотчилик технологиясининг мақсад ва вазифалари;**
- **Таълим жараёнида ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш уларда ижодий тафаккурни ўстириш омили сифатида;**
- **Тадқиқот методи ва тадқиқотчилик технологиясининг қиёсий тавсифи;**
- **Тадқиқотчилик технологияси қўлланиладиган интерфаол технологиялар.**